

РАВШАНОВ А.Д. Абдисалом Дусиёрович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Ишлаб чиқариш менежменти” кафедраси
доценти, и.ф.н.;

ХАСАНОВ Шамсиддин Хафизович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Ишлаб чиқариш менежменти” кафедраси
катта ўқитувчиси;

АЛИМХАНОВА Нигора Алимхановна
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси ассистенти.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНВЕСТИЦИОН- ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

УДК 631.1

РАВШАНОВ А.Д., ХАСАНОВ Ш.Х., АЛИМХАНОВА Н.А. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНВЕСТИЦИОН-ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган аграр соҳада турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган кўп укладли иқтисодиёт барпо этилганлиги таҳлил қилинган. Соҳада ривожланган бозор муносабатларининг таркиб топиши ва албатта иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнлари шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион асосда ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда ўрнини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган.

Таянч иборалар: модернизация, диверсификация, билимлар иқтисодиёти, инновация, инвестиция, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

РАВШАНОВ А.Д., ХАСАНОВ Ш.Х., АЛИМХАНОВА Н.А. ПЕРСПЕКТИВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННО-ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

В аграрной сфере которая является ведущей отраслью национальной экономики создана многоукладная экономика основанная на разных формах собственности и ведения хозяйственной деятельности. Установление развитых рыночных отношений и глобализация экономики служит развитию сельского хозяйства на инвестиционной - инновационной основе, повышению конкурентоспособности товаров сельского хозяйства и укреплению роли на внутренним и внешних рынках продукции сельского хозяйства.

Ключевые слова: модернизация, диверсификация, экономика знаний, инновации, инвестиции, диверсификации сельско-хозяйственной продукции

RAVSHANOV A.D. KHASANOV SH.H. ALIMHANOVA N.A. PERSPECTIVES AND OPPORTUNITIES OF AGRICULTURE'S INVESTMENT-INNOVATIONAL DEVELOPMENT

The agrarian sphere is one of the leading sectors of Uzbekistan's national economy, a multidisciplinary economy based on various forms of ownership and economy has been created. Development of market relations in the industry and, of course, the development of the economy in the rapidly evolving globalization processes in the investment and innovation environment, raising the competitiveness of agricultural products, and further strengthening the position of domestic products in the domestic and international markets.

Keywords: modernization, diversification, economics of knowledge, innovation, investment, diversification of agricultural production.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноат тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда, қайта ишлаш саноат тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш турли хилдаги инвестициялар ва инновацияларга ҳамда илмий-техника тараққиёт ривожланишини тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бугунги кунда иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур тармоқда 3,6 миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши изчил ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ жойларга саноатнинг жадал кириб бориши ва янги иш ўринларини очиш учун аграр сектор имко-

ниятларидан самарали фойдаланиш борасида кенг имконият яратади"¹. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик корхоналарида инвестицион-инновацион жараёнларни оширишга кенг имконият яратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион фаоллигини ошириб бориш, нафақат ишлаб чиқаришнинг техник – иқтисодий салоҳиятини ошириш имконини беради, балки умумий ҳолда инвестицион-инновацион муҳитнинг яхшиланишига ҳам ижобий таъсир этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарни инвестицион-инновацион ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлар ҳисобланган ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларини инвестицион-инновацион ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг фаолияти турлари бўйича киритилган инвестициялар ҳажми 1-жадвалда келтирилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича 2016 йилда **48083,1** миллиард сўм 2017 йилда **68423,9** миллиард сўм асосий капиталга инвестициялар киритилган. 2017 йил 2016 йилга нисбатан 20340.8 миллиард сўм ёки 42.3 фоиз инвестиция кўп киритилган. Шу жумладан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига 2016

¹ Ш.М.Мирзиёев. Ҳарбиртармоқваҳудуддаиҷроинтиз оминимустаҳкамлаш, раҳбарларнингмасъулиятивафаолиятсамарадорлигиниошириш – энгмуҳимвазифа. Куп. uz 2018 йил 30 май

1-жадвал. Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми¹

Кўрсаткичлар	2016		2017	
	млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда	млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
Жами	48083,1	100,0	68423,9	100,0
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	1646,4	3,4	2379,3	3,5
тоғ – кон саноати	7173,4	14,9	14203,8	20,8
ишлаб чиқариш саноати	8992,0	18,7	12238,1	17,9
электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво	2722,6	5,7	5472,2	8,0
сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	717,3	1,5	963,6	1,4
қурилиш	932,0	1,9	1427,9	2,1
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мототсиклларни таъмирлаш	2459,2	5,1	2508,9	3,7
ташиш ва сақлаш	5785,0	12,0	6369,0	9,3
овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	929,7	1,9	550,8	0,8
ахборот ва алоқа	1098,5	2,3	1926,1	2,8
молия ва суғурта фаолияти	345,4	0,7	801,9	1,2
профессионал, илмий ва техник фаолият	501,9	1,0	553,6	0,8
таълим	1330,6	2,8	1481,4	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1140,2	2,4	1605,8	2,3
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	378,9	0,8	566,2	0,8
жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	9394,2	19,5	11068,8	16,2
бошқа фаолият турлари	2535,8	5,3	4306,5	6,2

йилда 1646,4 миллиард сўм 2017 йилда 2379,3 миллиард сўм асосий капиталга инвестициялар киритилган. 2017 йил 2016 йилга нисбатан 732,9 миллиард сўм ёки 44,5 фоиз кўп инвестиция киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Stat.uz 6-бет. Асосий капиталга инвестициялар 2017 йил 26 б.

бўйича қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратилган.²


- Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш;

- Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғ ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималаштириш;

- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация

²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола Т.2017

1-расм. Асосий турдаги қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши (%да)¹



объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;

- Қишлоқ хўжалиги экинларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер иқлим ва экологик шароитларига мос селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга чорва зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиши балан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрохимё молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфраструктурасини ривожлантириш;

- Глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чоратадбирлар кўриш.

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси Stat.uz 6-бет. Қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари 2017 йил 10 б.

Мамлакатимизда иқтисодийнинг қишлоқ хўжалик тармоқларини модернизациялаш бўйича олиб борилган изчил сиёсат натижасида иқтисодий таркибий тузилишида сифат жиҳатидан олға силжишлар рўй бермоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши 2017 йилда фоизда (1-расм).

Республикада озиқ-овқат экинлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича тизимли чораларнинг амалга оширилиши натижасида, 2017 йилда республиканинг барча тоифадаги хўжаликларида 8116,5 минг тонна (2005 йилга нисбатан 126,8 %) дон экинлари ишлаб чиқарилди, 2900,2 минг тонна (77,9 %) пахта ҳом-ашёси йиғиб олинди, 3014,6 минг тонна (412,3 %) картошка қовлаб олинди, 11433,6 минг тонна (324,5 %) – сабзавотлар, 3076,3 минг тонна (324,1 %) – мева ва резаворлар, 1748,9 минг тонна (272,6 %) узум йиғиб олинди. Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, 2017 йилда картошка умумий ҳажмининг 77,9 фоизи, сабзавотларнинг 66,2 фоизи, мева ва резаворларнинг 53,5 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилди. Дон экинларининг эса асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқарилган ушбу маҳсулот ҳажмининг 80,7 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.

Ўсимликчилик тармоғини инновацион ривожлантириш бу- ўсимликчилик маҳсулотларининг

рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида инновацияларни яратиш ва ўзлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ва ишланмалар мажмуасини ўтказиш бўйича чоратадбирлар тизимини тушунмоқ керак. Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. У муҳим озуқа маҳсулотларини – сут, гўшт, тухум, асал, балиқ каби чорвачилиқдан олинadиган оқсил моддаси манбаси, саноат ишлаб чиқариши, қайта ишловчи саноат учун хомашё (сут, гўшт, тери, жун, пилла ва бошқалар) ва ўсимликчилик учун органик ўғитлар тайёрлаб бериш билан хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг провард натижаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига ўз таъсирини ўтказди. Демак шундай экан, инвестицион-инновацион фаолиятни кенгайтириш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни, “билимлар иқтисодиёти”ни шакллантириш қишлоқ хўжалик иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифалари жумласига киради.

Жаҳон тажрибасида маълумки қишлоқ хўжалик иқтисодиётини ва миллий иқтисодиёт таркибини модернизациялашнинг жуда кўп усуллари ва эришилган ижобий натижалари маълум. Улар орасидан учтасини асосий замонавий йўналиш сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- “билимлар иқтисодиёти” талабларига мувофиқ, модернизациялаш ҳамда таълим, фан, инвестиция ва инновация соҳаларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалик корхоналар фаолиятини, айниқса, инвестицион-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

- қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи “Ақлли қишлоқ хўжалиги” концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш.¹

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган

қуйидаги муаммолар иқтисодиётни модернизациялашни тақозо этади:

- асосий фондлар эскиргани;
- ишлаб чиқариш ускуналари хизмат муддатини ўтаб бўлгани ва маънан эскиргани;
- самарасиз технологияларнинг қўлланилиши;
- устувор тармоқларда малакали кадрлар етишмаслиги;
- рақобатга бардош беролмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши.

Бу муаммоларни ижобий ечимини топиш учун амалиётга татбиқ этиладиган инвестицион-инновацион дастурларида асосий эътибор қишлоқ хўжалик корхоналарни модернизациялаш даражасида бир қатор вазифаларни бажарилишига қаратилиши лозим.

Келгусида қишлоқ хўжалик корхоналарини модернизациялаш жараёнларини бошқаришда, бизнингча, қуйидаги механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир:

- **биринчидан**, қишлоқ хўжалиги корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш учун келтирилган инвестицияларни ва инновацияларни ўз вақтида ўрнатиб, ишга туширишни қатъий бошқариш;

- **иккинчидан**, маънан ва жисмонан эскирган технологик асбоб-ускуналар салмоғи юқори бўлган қишлоқ хўжалик корхоналарни доимий аудит ва мониторинг қилиш бўйича мутасадди ташкилотларнинг бошқарув ролини кучайтириш;

- **учинчидан**, қишлоқ хўжалик корхоналарга киритилган инвестиция ва инновацияларни иқтисодий самарадорлигини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш жараёнлари тобора жадаллашмоқда. Бундай вазиятда айни йўналишдаги ишларни бошқариш тизимини ҳар қачонгидан такомиллаштириш ва уларни амалиётда изчил қўллашни йўлга қўйиш қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигига эришишини таъминлашга хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармони.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий рисола Т.-2017. 2436
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5308-сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармони
5. Ш.М.Мирзиёев Ҳар бир тармоқ ва ҳудудда ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш – энг муҳим вазифа. Kun.uz. 2018 йил 30 май
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2017 йилдаги маълумотлари stat.uz
7. А.Д.Равшанов. Фермер хўжаликлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари Монография, Тошкент, “Фан ва технология”, 2014.